



Тарихда араблар денгизни забт этиб Шарк ва Г'арб ўртасида савдо-сотик фаолиятини олиб боришган. Улар асосан зираворлар, олтин, заргарлик буюмлари ва мато билан савдо-сотик килиш билан бирга, янгиликлар манбаи ҳам бўлишган. Аниқ далиллар йўқ бўлса-да, ишонч билан айта оламизки, аёллар ўша даврларда ҳам турли харидлар килишни жуда ёқтирган.

Хозирги даврга келиб, кўплаб одамлар саёхат килишади ва сафар давомида бир канча савдо марказларига ташриф буюришади. CRaHFT нашри мусулмонлар учун энг зўр 10та савдо марказлари рўйхатини такдим этади. Бу масканлар нафакат яхши махсулотлар хариди, балки халол таомлардан лаззатланиш ва намоз ибодатини савдо марказининг махсус намозхоналарида амалга ошириш имкониятини ҳам беради.

### 1. Дубай, БАА.

Дунёнинг энг катта ва мухим савдо маркази ҳамда энг йирик савдо-сотик фестивали

айнан шу шаҳарда жойлашган. Дубай савдо маркази йилда бир марта 30 кун давомида савдо-сотик фестивалини мунтазам ўтказиб келади. Бренд махсулотларига катта чегирмалар ва кизикарли маданий дастурлар бутун дунёдан сайёхларни ўзига ром этади. Агар сиз бу фестивалда катнаша олмаган бўлсангиз, хавотирга ўрин йўқ. Дубайда йил давомида божсиз савдо-сотик кизгин авжида бўлади. Dubai Mall – дунёнинг энг катта савдо марказларидан биридир. Унинг майдони 350,244 метр квадратга тенг. Бу ерда сон-саноксиз дўконлар, аквариум, муз саройи ва 150дан ортик халол сертификатли кафе ва ресторанлар мавжуд. Шунингдек, Дубай шаҳрида Mall of Emirates, Emirates Towers Boulevard, Al Ain Plaza ва Gold/Diamond Park каби диққатга сазовор масканлар мавжуд.

## **2.███ Куала-Лумпур, Малайзия.**

Малайзия мода маркази айнан Куала-Лумпурда жойлашган. Бу ерда 100дан ортик савдо марказларида энг охириги дизайнерлик трендлари ва замонавий технологиялар уйғунлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Дизайнерлик махсулотлари ва электроника билан бир каторда, Куала-Лумпур савдо марказлари ўзига хос оёқ кийимлар, заргарлик ва халк хунармандчилиги буюмларини харид қилиш имкониятини ҳам тақдим этади. Suria KLCC, Mid Valley Megamall ва Starhill Gallery – булар энг машхур савдо марказлари ҳисобланади.

## **3.███ Истанбул, Туркия.**

Grand Bazaar ва бошқа замонавий савдо марказлари тармоқлари харид қилишни севадиган ихлосмандлар учун хақиқий жаннат қабидир. Grand Bazaar – дунёдаги энг улкан ёпик бозорлардан биридир. Бу ерда 61та кўчада 4000дан ортик савдо дўконлари қунига 250мингдан 400минггача харидорларни ўзига жалб этади. Бу ерда турфа хил махсулотлар, хусусан, чарм тери, олтин ва антика буюмларни сотиб олиш мумкин. Истанбулда бу бозордан ташқари 80дан ортик савдо марказлари мавжуд. Canyon, Forum Istanbul, Cevahir ва 1996-йилда Дунёнинг Энг Зўр Савдо Маркази конкурсида голиб бўлган Akmerkez савдо маркази шаҳардаги энг оммабоп харид масканлари ҳисобланади.

## **4.███ Сингапур**

Сиз Сингапур хақида ўйлаганингизда хаёлингизга дархол жуда ҳам машхур бўлган Orchard Road қелиши табиий. Лекин Сингапурнинг харидорғирлик салоҳияти бу шунчаки дўконлар бўйлаб сайрда эмас. Сингапур маркази замонавий бутиклар, универмаг ва хилма-хил истирохат марказлари билан лиммо-лим. Chinatown – Сингапурнинг рамзий ҳудуди ҳисобланади. Бу ерда уй рўзгор буюмлари ва тўқимачилик махсулотларининг хар қандай таъбга мос турларини топиш мумкин. Араблар кўчаси эса гилам ва тўқимачилик махсулотларини харид қилиш учун энг қулай жой саналади. Бу ерларда нархлар хилма-хил бўлишига қарамай, махсулотларда юқори сифат кафолатини кузатиш мумкин. Агар сизга усти очик дўконлар маъқул бўлмаса, сиз у ерда гарб услубидаги 313@Somerset, Centrepoint, Far East Plaza, Ion Bog'ı, Scotts ва Wisma Atria каби савдо марказларини ҳам топишингиз мумкин.

## **5.███ Бангкок, Тайланд.**

Маҳаллий аҳоли бекорга “Сиз Бангкокнинг қайси нуктасида бўлманг, сиз албатта бирор бир дўконга яқин турган бўласиз” деб қайта-қайта таъқидлашни яхши кўришмайди. Бир

кеча-кундузда 24 соат, хафтада 7 кун давомида бутун шахар хайратомуз нархлар ва энг охирги технологиялар ёрдамида ишлаб чиқариладиган замонавий мода талабидаги моллар билан кизгин харакатда бўлади. Central Worldда жойлашган замонавий дўконлардан тортиб Патпонгдаги брезент билан ёпилган киоскаларгача, харидорлар Бангкокда деярли хар кандай молни хамёнбоп нархларда харид қилишлари мумкин. Кўп сонли савдо марказларидан бирига кирганингизда, албатта, хилма-хил махсулотлар коллекциясини эътиборсиз қолдирманг. Уйга ажойиб ва гаройиб совга-саломлар билан қайтиш эсингиздан чиқмасин.

### **6. Дехли, Хиндистон.**

Хурматли харидор, рикшани махкам тутинг, чунки сиз Дехлидасиз. Дехлида энг асосий савдо масканлари Chandni Chowk, Khan Market ва Santusht савдо марказлари ҳисобланади. Албатта булар Дехлининг кизгин кўчаларидан тўсилган, кондиционерли бинолардир. Шахар ўзининг ёркин сарилари, тери ва суяк махсулотлари, шунингдек бамбук хунармандчилиги дурдоналари хамда олтин ва қумушдан ясалган такинчоклари билан ўзига ром этади. Дехлидан энг ёркин эсдалик албатта у ерда кўплаб топиладиган сувенир совгалар бўлади.

### **7. Ёханнесбург, ЖАР.**

Brightwater Commonsдан бошлаб Нелсон Мандела майдонигача, худди Ёханнесбург аҳолисининг асосий машгулоти харидорликдек гўё. Марказий худудларда хар кандай таъб ва нархга мос келадиган махсулотлар билан тўлиб тошган минглаб дўконлар мавжуд. Жанубий Африкага ташриф буюрган сайёҳ бор-ки, божхона назоратида сотиб олинган нарсалардан кўра, юкининг оғирлигига кўпроқ пул тўласа ажаб эмас. Ёханнесбургнинг буюм бозорлари хақиқий хазиначиларга бойдир – маҳаллий расомларнинг суратларидан тортиб бу шахарни машхур қилган сим хайкалтарошлиги дурдоналарини хам хар кадамда учратишингиз мумкин. Аммо сиз дизайнерлик қийимларини излаётган бўлсангиз, тўғри Rosebank савдо марказига йўл олинг. Бу ерда сиз нима харид қилишингизда қатъий назар, дўстларингиз сиздан: “Буни қаердан сотиб олдинг?”, - деб сўрашлари аниқ.

### **8. Бали, Индонезия.**

Харидорлар ўзлари учун дунёнинг хар хил нуқталарида юзлаб шахарларни қулай деб ҳисоблашлари мумкин. Бирок бу борада Балини ҳеч қаер билан солиштириб бўлмайди. Маълум-у машхур универмагларнинг шундоқ ташқарисида сизни ўз нархлари билан яхшигина хайратга сола оладиган савдо расталарига дуч келасиз. Discovery Kartika савдо маркази, Matahari Department дўкони ва Kumbasari анъанавий бозорлари оммабоп харид масканлари ҳисобланади. Шунинг учун қулай оёқ қийимни қийиб, каттарок сумкани олиб, олга!

### **9. Лондон, Буюк Британия.**

Лондон – бу Harrods ва Debenhamsдан тортиб Selfridges ва Marks & Spencer каби дўконлар ватани ҳисобланади. Харидорлар Лондоннинг эски шахар қисмида соатлаб ёки кунлаб вақтларини бирор буюмни харид қилиш учун кутиб ўткази оладилар. Қийим-кечак ва электроника соҳасидаги охирги тенденциялар, ўйинчоклар, маиший ускуна ва ҳоказоларни кўплаб савдо марказларидан топиш мумкин. Савдо марказларининг энг

машхурлари сирасига Plaza, Victoria Place, Lakeside ва Westfield кабилар киради. Лондон тарафларга йўлингиз тушиб колса, икка каватли автобуслар шаклидаги эсдалик совгалари олиш ёдингиздан кўтарилмасин.

### **10. Гонконг, Хитой.**

Бу шаҳар ўзининг гавжум кўчалари ва ёркин чироклари билан хотирангизда ўчмас из колдириши шубҳасиз. Шундай жамият шаклланган-ки, бу ерда истеъмолчи том маънода хукмрон. Гонконгда ҳамма нарса бор – улкан савдо марказларидан тортиб мафтункор анъанавий кўчаларда жойлашган замонавий бутикларгача. Махаллий савдо-сотикда энг мухим жихат – бу молнинг хилма-хиллиги. Харидорлар бир катор брендларнинг махсулотларига тўкнаш келишлари ва бир хил бренд махсулотини бир неча хил нархларда учратишлари мумкин. Энг охириги модадаги кийим-кечакларни сотиб олиш учун сиз, албатта, Pacific Place, Times Square ва The Landmark каби савдо марказларига боришингиз керак бўлади. Кейинги манзил килиб гавжум ва ранг-баранг кўчаларни белгилашингиз ва савдолашиш махоратингизга караб чиройли молларни чиройли нархларда сотиб олишингиз мумкин.

Тошкенбой